

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Бердиалиев, М.Зокиров	
Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик тиллари контактига алоқаси	88
Ш.Турдиматова	
Функционимлар ва уларнинг тил луғат таркибининг макроқурилмалар тизимига мансуб ҳодисалар билан ўзаро муносабати ҳақида	92
М.Эргашев	
Инглиз ва ўзбек тилларида “феълли боғланиш” лисоний категория сифатида	98
Х.Исмоилов	
Суд нутқининг социолингвистик таҳлилига доир	101

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Биринчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенгламалар учун кўп нуқтали чегаравий масала	105
М.Аҳмедов, Х.Далиев, М.Онаркулов	
(ВIXSB1-X) 2TE3 поликристалл тензосезгир пленкаларнинг электронографик таҳлили	109
М.Ҳакимов, М.Маматкулов	
Табиий шарбат олиш учун мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган ШҚМ-18 қурилманинг амалдаги намунасини ишлаб чиқиш	112
М.Холиков	
Паразитизмнинг пайдо бўлиши ва оқибатлари	114
Ф.Адилов	
Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқалари (кино ва театр соҳаси мисолида)	116
Т.Тургунбаев	
Кимёвий қуролларнинг яратилиш тарихи, жанговар қўлланилиш тавсифи ва уларнинг инсон организмга таъсири	119
Э.Тажимирзаев	
Фарғона водийси қишлоқларидаги маданий муассасалар фаолияти тарихидан (кино санъати мисолида)	123
Р.Аҳмедова	
Фарғона физиотерапия институтининг ташкил топиш ва фаолияти тарихидан (1923-1950 йиллар) ...	126
В.Ишқуватов	
Ўзбекистонда маҳалланинг моҳияти ва ўзига хослиги	129
К.Пулатов	
XX аср 50-йиллар охири 60-йиллар бошида Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий ҳаёт (Фарғона водийси мисолида)	132
С.Мўминов, Ш.Мўминов	
Мутолаа маданиятининг лингвокультурологик тамойиллари	135
Б.Жўраева	
«Қорамол» ЛМГи асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг услубий хусусиятлари	137
М.Назирқулова	
9-синфда Фурқатнинг “Фасли навбаҳор ўлди” ғазали матни устида ишлаш	140
М.Саидқабарова	
Қиссадан ҳиссанинг ғоявий-фалсафий функциялари	144
М.Деҳқонова	
Наим Каримов ижодининг ойбекшунослик тараққиётидаги ўрни	147
Ф.Анварова	
Бошланғич синфларда инглиз тилини тинглаб тушуниш орқали ўқитиш бўйича айрим тавсиялар	151
И.Қирғизов, Ғ.Нажметдинов, А.Исмоилов	
Муסיқий таълимда аждодлар меросидан фойдаланиш амалиёти	154
Ф.Эркабаева	
Замонавий маҳобатли рангтасвир санъатида мусаввир ижодининг нафис чизгилари	156
А.Хасанов	
Ҳарбий таълим факультети талабаларининг ўқув йиғинлари даврида жисмоний машқлар билан шуғулланиш шакллари ҳамда воситаларини аниқлаш	159

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Аҳмаджон Қўшақович Ўринов	163
--	-----

БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография	166
--------------------	-----

**«ҚОРАМОЛ» ЛМГИ АСОСИДА ШАКЛЛАНГАН ЎЗБЕК ХАЛҚ
МАҚОЛЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**СТИЛИСТИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА УЗБЕКСКИХ НАРОДНЫХ ПОСЛОВИЦ,
ОСНОВАННЫХ НА ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКОЙ ГРУППЕ “СКОТ”**

**STYLISTIC PROPERTIES OF UZBEK FOLK PROVERBS BASED ON THE
LEXICAL SEMANTIC GROUP “CATTLE”**

Б.Жўраева

Аннотация

Мақолада “қорамол” ЛМГи асосида шаклланган ўзбек халқ мақоллари услубияти ҳақида фикр юритилган.

Аннотация

В статье рассматривается стилистика узбекских народных пословиц, основанных на лексико-семантической группе “скот”.

Annotation

The article discusses the style of Uzbek folklore, based on the linguistic group of “cattle”.

Таянч сўз ва иборалар: мақол, мақолларнинг шаклланиш асоси, қорамол, сигир, услубият.

Ключевые слова и выражения: пословица, основа формирования пословиц, крупный рогатый скот, стилистика.

Keywords and expressions: proverb, basis of the formation of proverbs, cattle, stylistics.

Қорамол шохли йирик уй ҳайвони (ҳўкиз, сигир...) [4, 601] бўлиб, ўзбек тилшунослигида “қорамол” ЛМГ ига сигир, бузоқ, тана, ғунажин, ҳўкиз, буқа, говмиш каби лексемалар киради. Ўзбек халқ мақолларида “қорамол” маъновий гуруҳига мансуб сўзлардан “сигир” лексемаси бошқаларига нисбатан фаол истеъмолда эканлиги билан ажралиб туради. Жумладан, “Сигирли уйда сил бўлмас”, “Сигири кўпнинг оқи кўп”, “Сигир йўғида эчки ҳам сигир”, “Сигирнинг шохига урсанг, суғурнинг танаси титрар”, “Сигир сув ичгунча, бузоқ муз ялайди” сингари мақоллар фикримизни далиллайди. Шунингдек, маъновий уядаги бошқа лексемалар ҳам услуб талаби билан халқ мақолларида учрайди: “Нари борса, ҳўкиз ўлар, бери келса арава синар”, “Бузоқни тилга олсанг, ипини узиб келар”, “Ғунажин кўзини сузмаса, буқача ипини узмайди” ва ҳ.к.

Ушбу мақолада ўзбек халқ мақолларида «қорамол» ЛМГининг уч жиҳатига: ижобий, мўътадил ва салбий характер-хусусиятни ифодалашига эътиборни қаратамиз.

Ўзбек халқ мақолларида «қорамол» ЛМГи ижобий характер-хусусиятни ифодаловчи омил сифатида қуйидаги ижобий маъно оттенкаларини ифодалайди:

“Тўкин-сочинлик” семаси:

Сигири кўпнинг оқи кўп.

Сигири бор оч қолмас.

Икки сигиринг бўлса – мой,

Икки хотининг бўлса – вой.

Халқимиз қадимдан сигирни эъзозлаб келган. Оилада сигири

бўлган кишилар ўзларини ҳар доим ҳимояланган деб ҳисоблаб келишган. Бу мақоллар мажозан ақлли, меҳнаткаш, садоқатли кишиларга нисбатан қўлланади.

“Хурмат-эътибор” семаси: *Оғилда ҳўкизим йўқ, элимда обрўйим йўқ.*

Ўтмишда ўзига тўқ хонадонларнинг ҳар бирида сигир сақланган ва сигири бор уй ҳар томонлама ҳимоялангани баробарида иззат-ҳурматга ҳам сазовор бўлган.

“Ишбилармонлик”, “уддабуронлик” семалари:

Яхши бузоқ икки онани эмар.

Ишнинг кўзини билиб, бирданига икки ишни ҳам аъло даражада бажариб уддалай олган кишиларга нисбатан қўлланади.

«Қорамол» ЛМГи мўътадил характер-хусусиятни ифодаловчи омил сифатида қуйидаги семаларда реаллашади:

“Умидворлик” семаси: *Ҳўкизга туққан кун бузоққа ҳам туғади.*

Яъни ота-онанг, аканг ёки қариндош-уруғинг эришган ютуқлар, ғалабаларга бир кун сен ҳам эришсан, уларга келган омадли кун сенга ҳам, албатта, келади дейилмоқчи.

“Алоқадорлик” семаси:

Сигирнинг шохига урсанг, суғурнинг танаси титрар.

Сигир сув ичгунча, бузоқ муз ялайди.

Мажозий маънода агар инсон фарзандига биров озор етказса, жонини оғритса, нафақат ўша фарзанднинг дили

Б.Жўраева – БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти

оғрийди, балки ота-онасининг ҳам қалби қаттиқ шикастланади, зероки “фарзандим – дилбандим” деб бежиз айтишмаган.

“Имконсизлик”, “иложсизлик”

семалари:

Бузоқнинг югургани сомонхонагача.

Ишинг тушса, эшакни тоға дейсан, бузоқни – хола.

Бўри хом еб ўлмас, хўкиз ишлаб бой бўлмас.

Ориқ хўкизда ёғ йўқ, сўяман десанг пичоқ йўқ.

Бировнинг имконияти, ҳол-қудрати чекланганлигини билдириш мақсадида ишлатилувчи ушбу мақоллар баъзан кимнидир менсимай, назар-писанд қилмай, ерга уриш учун ҳам айтилади.

«Қорамол» ЛМГи салбий характер-хусусиятни ифодаловчи омил сифатида қуйидаги ижтимоий шартланган маъноларни ифодалашга хосланган:

“Эркалик” семаси: *Бузоқни бўш қўйсанг, хурмачани ағдаради.*

Бу бола тарбиясига тааллуқли мақоллардан бири бўлиб, мажозан болани бўш қўйсанг, ўз ҳолига ташласанг, ҳар бир босган қадамини назорат қилиб турмасанг, у эркалик қилиб ўзидан кетади, хулқи бузилади, ҳаддидан ошиб кетади. Натижада ўзига ҳам, сенга ҳам зиён-заҳмат етказиши мумкин дейилмоқчи.

“Очкўзлик” семаси: *Ўлармон хўкиз болтадан тоймас.*

Нафси бузуқ, очкўз, суллоҳ, бирор нарсага ўта берилган, муккасидан кетган одамларни “ўлармон” дейдилар. Мақол ўлармон одам ўз манфаати йўлида очкўзлик билан ҳеч нарсадан тап тортмайди, уятни, орномусни билмайди, ўлган, тирилганига қарамай, ҳаракат қилаверади деган маънода қўлланади. Худди шу мақолнинг маъно ва шакл жиҳатдан ўзгарган кўриниши Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида келтирилган:

Қарі өкүз балдуқа қорқмас – қари хўкиз болтадан қўрқмайди, чунки у одатлангандир [3, 427].

“Қизғанчиқлик” семаси:

Нари борса хўкиз ўлар, бери келса арава синар.

Бировдан ҳар нарсасини қизғанадиган, ўла қолса бировнинг ҳожатини чиқармайдиган феъли тор одамларга нисбатан қўлланади.

“Лаганбардорлик” семаси: *Бузоқни тилга олсанг, ипини узиб келар.*

Мажозий маънода ўз номини чала-ярим эшитиб қолса ҳам, қулоғини “динг” қиладиган, у одам ҳатто чақирмаган бўлса ҳам келиб ўз

манфаати йўлида лаганбардорлик қиладиган кишиларга нисбатан ишлатилади.

“Бадфеъллик” семаси:

Силаганни сигир билмас,

Сийлаганни хўкиз.

Биров томонидан ўзига қилинган яхшилиқни билмайдиган, қадрламайдиган, яхшилиқка яхшилиқ билан жавоб қайтариш у ёқда турсин, ҳатто ёмонлик қиладиган; ярамас, бадфеъл, бадхулқ кишиларга нисбатан қўлланади.

“Ёмонлик”, “жоҳиллик” семалари:

Хўкиз ўлса ҳам кўзининг олалиги қолмас.

Ёмон сигир шамиён синдирар.

Бузоқнинг турқи туққанига маълум.

Бундай мақоллар мажозан ёмон номи чиққан, баджаҳл, бемехр, оқибатсиз, жоҳил кимсаларга нисбатан киноя тарзида ишлатилади.

“Эринчоқлик”, “дангасалик”

семалари:

Ётган хўкиз оч қолар.

Хўкиз: “Кўкламга чиқсам, кўкат ейман”, – дер.

Мажозан ишёқмас, дангаса, олдинига ҳеч нарсага парво қилмай ялло қилиб юрадиган, бирор фалокатга йўлиқиши муқаррар бўлиб қолган тақдирдагина ҳаракатга келадиган кишиларга нисбатан қўлланади.

“Уришқоқлик” семаси:

Сузоғич сигирга танғри мугуз бермайди.

Ичи бузуқ бир бузоқ бутун подани булғатади.

Мугуз– шох, сигир зотида сузоғичи бўлса, мугузи бўлмаса ҳам сузаверади. Шунингдек, уришқоқ одамга арзимаган бир нарса ҳам баҳона. Бўлмаган бир баҳонани топиб, у одамнинг айбли, айбсизлигидан қатъий назар уришаверадиган кишиларга нисбатан ишлатилади.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида бу мақол қуйидагича шарҳланади: *Сўсаған узқа тэнрі мөнўз бэрмас*– сузагон сигирга худо шох бермайди. Бу мақол бирор ишни қилмоқ истаса ҳам, аммо буиш ҳалққа зарар бериши мумкинлиги сабабли шу ишни қилмаган одамга нисбатан айтилади [3, 375].

“Қаноатсизлик” семаси:

Чимхўр хўкиз очликдан ўлади.

Қора сигир тушида кунжара кўрибди.

Ўзида мавжуд бўлган нарсаларга қаноат қилмасдан ношукурлик қилиб юрган кишиларга нисбатан киноя тарзида қўлланади.

“Ахлоқсизлик” семаси:

Ғунажин кўзини сузмаса, буқача ипини узмайди.

Мазкур мақол билан “парда” орасида эркакларни, йигитчаларни йўлдан урадиган бузуқ, суюқоёқ аёлларга қочирим қиладилар.

“Мақтанчоқлик” семаси: *Бақироқ сизир сутсиз бўлар.*

Маъроқи сизир сут бермас.

Қисир сизир кўп маърар.

Илм-билими кам, қўлидан бирор дурустроқ иш келмайдиган, аммо ҳеч кимга гап бермайдиган, маҳмадоналик қиладиган, катта гапирадиган, мақтанадиган кишиларга нисбатан киноя тарзида қўлланади.

“Текинтомоқлик” семаси:

Бузоқ сомонхонани бўшатади, бола – нонхонани.

Ушбу мақол билан халқимиз болаларни бекорчи қилиб ўстирмасликка, ёшлигидан меҳнатга, ҳунар олишга ўрганишга даъват

этишган. Хулоса қилиб айтганда, “қорамол” ЛМГи ўзбек халқ мақолларида “тўкин-сочинлик”; “хурмат-эътибор”; «ишбилармонлик», «уддабуронлик» каби ижобий; «умидворлик»; «алоқадорлик»; «имконсизлик», «иложсизлик» каби мўътадил; «эркалик»; «очкўзлик»; «қизғанчиқлик»; «лаганбардорлик»; «бадфеъллик»; «жоҳиллик»; «эринчоқлик», «дангасалик»; «уришқоқлик»; «ифлослик», «зараркунандалик»; «қаноатсизлик»; «ахлоқсизлик»; «мақтанчоқлик»; «менсимаслик» каби салбий характер-хусусиятларни ифодалайди. Кўриниб турибдики, ўзбек халқ мақолларида “қорамол” ЛМГи кўпроқ салбий характер-хусусиятни ифодалашга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Кошғарий М. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). Уч томлик. II том. – Т.: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1961.
2. Кошғарий М. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). Уч томлик. III том. – Т.: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1963.
3. Шомасудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Т.: Совет Ўзбек Энциклопедияси Бош редакцияси, 1990.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. 2-жилд. С–Ҳ. – М.: Рус тили, 1981.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)